Ушбу сонда:

2 — *Сабоқ* БИЛМАЙИН БОСДИМ ТИКОННИ...

3 — ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 518 ЙИЛЛИГИГА

4 — *Одамийлик ҳақида ўйлар* ОНА ҚАЛБИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 14 феврал, чоршанба №25 (1039)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Меҳнатни рағбатлантириш ва манфаатдорликни ошириш соҳасида бошқарувни ташкил этиш даражасини ошириш ва такомиллаштириш, аҳолини иш билан оқилона таъминлаш, ижтимоий таъминот тизимини яхшилаш, эркинлаштириш ва иқтисодий ислоҳотларни тобора чуқурлаштириш шароитида ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш, шу асосда аҳолининг фаровонлиги барқарор юксалиб боришини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ва Ижтимоий таъминот вазирлиги негизида Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг таклифи қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат этиб белгилансин:

халқнинг моддий фаровонлиги барқарор сурьатда муттасил ўсиб боришини таъминлашга, иқтисодиётни тобора эркинлаштириш шароитида аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга қаратилган ягона сиёсатни шакллантириш ва амалга ошириш;

демографик ривожланишнинг тахминий маълумотларини ишлаб чиқиш ва амалга оширилишини назорат қилиш, меҳнат бозорини шакллантириш ва меҳнатга қобилиятли аҳолини, айниқса ёшларни иш билан таъминлаш борасида фаол сиёсатни ўтказиш, меҳнат ресурслари балансларини асосида иш жойларини яратиш ва кадрлар тайёрлаш соҳасида мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш;

меҳнат муносабатларини тартибга солиш, меҳнат шароитларини, уни ташкил этиш, муҳофаза қилиш ва меъёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича бозор шароитларига мос келадиган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

пенсионерлар, ногиронлар, кўп болали ва кам таъминланган оилаларни амалий жиҳатдан ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш чора-тадбирларини рўёбга чиқариш, аҳолининг ижтимоий ночор табақаларини аниқ ҳимоялашнинг самарали механизмини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ижтимоий таъминотни ташкил этиш ва бошқариш, ногиронларни тиббий-ижтимоий экспертизадан ўтказиш ва соғлиғини тиклаш хизмати фаолиятига раҳбарлик қилиш, аҳолига протез-ортопедия ёрдамини ташкил этиш;

меҳнат, иш билан таъминлаш, аҳолининг пенсия таъминотини ва унга ижтимоий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш масалалари бўйича вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмаларига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоят, туман, шаҳарларнинг ҳокимликларига, корхоналар ва ташкилотларга ташкилий-услубий раҳбарлик қилиш ҳамда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш борасидаги ишларни ташкил этишда маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш.

3. Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Меҳнат вазирлиги ва Ижтимоий таъминот вазирлигининг тегишли ҳудудий органлари негизида Қорақалпоғистон Республикасининг Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари ташкил қилинсин.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳудудий бош бошқармалари ўз фаолиятида тегишли ҳокимликларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига ҳисобот берадилар.

4. Қуйидагилар белгилансин:

туманлар ва шаҳарларда амалдаги меҳнат, аҳоли бандлиги ва уни ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимлари ҳамда ижтимоий таъминот бўлимлари сақланиб қолади;

туман (шаҳар) меҳнат, аҳоли бандлиги ва уни ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимлари ҳамда ижтимоий таъминот бўлимлари ўз фаолиятида тегишли ҳокимликларга ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳудудий бош бошқармаларига ҳисобот берадилар.

5. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан унинг ваколати доирасида қабул қилинадиган қарорлар вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, корхона ва муассасалар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари томонидан ижро этиш учун мажбурий ҳисобланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

7. Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2001 йил 13 феврал

Таклиф, мулоҳаза

«ЁШЛАР САРДОРИ» ДЕБ НОМЛАНСА...

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббус гуруҳи билан учрашувда «Камолот» - ёшларимизнинг чинакам суянчи ва таянчи бўлсин» мавзуидаги нутқини тинглаб менда ҳам айрим мулоҳазалар пайдо бўлди. Чунончи, фикримизча «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг етакчиси «Ёшлар сардори» деб номланса, нур устига аъло нур бўларди. Чунки олий ўқув юртларида «Ёшлар сардори» тизими яхши самара бериб келмоқда. Бизнинг институтда ҳам 1992 йилдан буён «Ёшлар сардори» (талабалар етакчиси) фаолият кўрсатаяпти.

Унинг факултетлардаги фаоллар бевосита ўқув гуруҳларида, курсларда, талабалар уйларида кенг қамровли ишларни амалга оширмоқда. Ўқув даргоҳида талаба-ёшларни, илмий изланишга мойил талабаёшлар ва олимларни қўллаб-қувватловчи «Қобилият» жамғармаси ташкил этилган бўлиб, унга ҳомий ташкилотлар томонидан вақти-вақти билан молиявий кўмак бериб турилади. Дарвоқе, «Ёшлар сардори» бир вақтнинг ўзида жамғарма раисининг ўринбосари ҳамдир. Унга институт бюджетидан ташқари маблағ ҳисобидан маош тўланади. «Ёшлар сардори» ташаббуси билан ўтказилаётган тадбирлар институт раҳбарияти томонидан моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келинмоқда. Кенг миқёсда тадбирлар ўтказиши учун унга маънавият ва маърифат, миллий истиқлол ғоясини тарғиб этиш марказлари, маданият саройи, спорт шуъбалари, қаҳвахона, талабалар Академияси каби қатор шохобчалардан кенг фойдаланиш имконияти яратиб берилган.

Янги ташкил қилинаётган ёшларнинг «Камолот» ижтимоий ҳаракати сардори мавқеини ошириш мақсадида унинг номзоди олий ўқув юртининг илмий кенгаши аъзолигига киритилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бу унга барча талабаёшларнинг манфаатларини, истак ва таклифларини қатъий туриб ёқлаш, илмий кенгаш йиғилишларига қўйиш ҳуқуқини берган бўларди.

«Ёшлар сардори» ҳам ўзига билдирилган ишончга муносиб тарзда олий ўқув юртида хорижий тилларни, компьютерни, ҳуқуқ асосларини ўрганиш каби илмий тўгаракларга талабаларни жалб этишда ташаббус кўрсатиши лозим. Шунингдек, «Умид» иқтидорли ёшлар жамғармасига энг аълочи, иқтидорли талаба-ёшлар бўйича ўзининг таклиф-истакларини тайёрлаши, «Универсиада» спорт мусобақаларига ҳозирлик кўришда етакчилик қилиши ва шунга ўхшаш вазифаларни бажариши лозим, деб ўйлайман.

Бундан ташқари, унинг ўзига хос ҳуқуқлари ва масъулиятларини белгилаб берувчи ҳаракат Дастури ва Низоми бўлиши даркор. «Ёшлар сардори» тадбирларни қуйи бошланғич ташкилотлар — ўқув гуруҳларидан бошласа яхши бўларди. Зеро, у ёшларнинг кўнглига йўл топа оладиган бўлса, манфаатларини ҳимоя қила биладиган, улар билан ҳамфикр, маслаҳатчи, етакчи каби хислатларни ўзида намоён қила олсагина кўпчилик унга эргашади.

Абдусаттор АБДУҒАФФОРОВ,
Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти ректорининг маънавий-маърифий масалалар бўйича биринчи муовини.

Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар

САХОВАТЛИ ФЕРМЕР

Шароф Рашидов туманидаги «Дониёр» деҳқон-фермер хўжалиги раҳбари Толибжон Омонов иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин, шунга қарамай, у тилга олгулик ижобий натижаларга эришди.

— Илгарилари қора терга ботиб ишласак-да, меҳнатимиз роҳатини кўрмас эдик, дейди-у. — Истиқлол шарофати туфайли ўз еримиз хўжайинига айландик, қадр топдик. Ҳақиқий мулкдор бўлиб, давлатга ҳам, ўзимизга ҳам наф келтираяпмиз. Ўтган йилда ғалладан, пахтадан мўл ҳосил олдик. Бу йилги даромаддан сотиб олинган ҳайдов трактори ёнига қўшимча техника келтириш, янги уй пойдеворини қуриш ва экин майдонларимизни янада кенгайтириш ниятидамиз.

Фермер ҳалол меҳнати эвазига орттирган маблағини хайрия тадбирларига ҳам сарфламоқда. Кам таъминланган оилаларга баҳоли қудрат кўмаклашмоқда. Бир неча нафар ҳамқишлоқларини вақтли матбуот нашрларига обуна қилди. Ободонлаштириш ва шифо масканларини таъмирлаш ишларига бош қўшмоқда. Шу эзгу мақсадлар учун 60 минг сўмлик маблағ ажратди.

Довур ТУРОН,
«Ишонч» мухбири.

«Ишонч»га жавоб берадилар

ЖИНОИЙ ИШ ҚЎЗҒАТИЛДИ

Газетамизнинг 2001 йил 27 январ сонида «Ўжарлик ёки ишчи ҳуқуқи нега поймол қилинди?» сарлавҳали мақола эълон қилинганди. Ушбу матбуот чиқиши юзасидан қуйидаги жавоб хати олинди.

Хоразм вилоят прокуратураси томонидан «Хоразмирригациякурилиш» акциядорлик жамиятига қарашли Хоразм механизациялашган кўчма жамланмасида меҳнатга оид қонунлар ижроси атрофлича ўрганилди. Маълум бўлишича, ишчи Фозилбек Қурбонов ўтган йилнинг 19 мартида ишлаб турган пайтида ҳавозадан йиқилиб, тан жароҳати олган. Унга тиббий ёрдам кўрсатилгандан кейин уйига олиб борib ётқизилган. Жабрланувчи 19 мартдан то 21 сентябргача уйида даволанган бўлса-да, жамланма қурилиш устаси Р.Юлдашев кўнгилсиз воқеани яшириш мақсадида уни ишга келган деб кўрсатиб, сохта ҳужжат тузиб, ойлик маош ёзиб келган. Шундай қилиб, Ф.Қурбоновга ишда бўлмаган даври учун 89 минг 311 сўм ҳақ ёзилиб, жамоага моддий зарар етказилган.

Кўчма механизациялашган жамланмада ишлар ўлда-жўлда. 2001 йилнинг 1 январ ҳолатига дебиторлик қарзи 81,3 миллион сўмни, кредиторлик қарзи эса 100 миллион сўмни ташкил этган. Боз устига, ойлик маошидан қарздорлик 8,6 миллион сўмга етган. Демак, раҳбар ва бош ҳисобчининг совуққонлиги, масъулиятсизлиги оқибатида ишчи-хизматчилар манфаатларига жиддий зиён етказилган. Шу боис, жамланма бошлиғи А.Ярметов, бош ҳисобчи Х.Рўзметовлар устидан жиноий иш қўзғатилди.

Д.ИСРОИЛОВ,
Хоразм вилояти прокурори, адлия катта маслаҳатчиси.



«ОНА-БОЛА» СИҲАТГОҲИ ҚУРИЛИШИДА

Бешариқ туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалигида «Она-бола» сиҳатгоҳи бунёд этилмоқда. «Қўқонагроқурилиш» трести жамоаси бу хайрли ишга бош-қош бўлмоқда. Барпо этилаётган масканда асосан ошқозон ва буйрак касалликлари билан оғриган беморларни шифобахш сувлар ёрдамида даволаш кўзда тутилган.

Суратларда: сиҳатгоҳ қурилишидан лавҳалар.

Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.

Фармон ва ижро

СУВ ТАНҚИСЛИГИ ОҚИБАТЛАРИ ТУГАТИЛМОҚДА

Амударёнинг қуйи қисмида ўтган йили сувнинг ғоят танқислигидан юзага келган мураккаб вазиятни чуқур ўрганиш, ҳудудда истиқомат қилаётган аҳоли ва халқ хўжалигига кўмаклашиш назарда тутилиб, Ўзбекистон Президентининг Фармони эълон қилинган ва унга биноан ҳукумат комиссияси тузилган эди.

Мазкур комиссия Оролбўйи ҳудудидаги мазкур муаммони синчиклаб ўрганди. Меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йили иккита қарори қабул қилинганди. Мазкур қарорларни ҳаётга изчил татбиқ этиш учун тегишли вазирликлар, ташкилотлар ва идоралар билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳам амалий ишлар олиб борди. Хусусан, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашда касаба уюшмалари фаол қатнашди. Тарқоқ аҳоли яшаш пунктларига туманлардан, Нукус шаҳридан сув ташувчи механизмлар жалб этилди. Тошкент шаҳри ва вилоятлардан 15 та махсус автомашина, 200 дона сув насослари келтирилди. 15 та қудуқ қайта тозаланди, 24 таси эса янгидан қазилди. Тиббиёт, санитария-эпидемиология назорати ходимларидан иборат махсус гуруҳлар аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борди. 70 та насос келтирилиб, ҳозиргача улардан 45 таси ўрнатилди. Нукус шаҳри, туман марказлари, аҳоли яшаш пунктларига «Туямўйин-Нукус» сув тармоғи орқали оқизиладиган сувнинг сифатини яхшилаш мақсадида бир кечакундузда 200 минг куб метр сув етказиб берувчи станция фойдаланишга топширилди.

Энг асосий эътибор меҳнаткашларни кафолатли ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилди. Заҳирадаги жамғарма ҳисобидан қўшимча равишда аҳолига амалий кўмак бериш учун 756,3 миллион сўмлик маблағ ажратилди. Уни ўз эгаларига етказиш устидан назорат ўрнатишга кенг жамоатчилик вакиллари, шу жумладан, жойлардаги касаба уюшмалари ташкилотлари жалб этилди.

Қисқа муддатда кам таъминланган оилаларга 272,4 миллион, 16 ёшгача фарзандлари бўлган оилаларга 233,9 миллион сўм, 2-11-синф ўқувчиларига кийим-кечаклар, ўқув қуроллларига 250 миллион сўм сарфланди.

Маълумки, сув танқислиги жойларда, айниқса овулларда кўплаб кишиларнинг ишсиз қолишига олиб келди. Уларни иш билан банд қилиш мақсадида Меҳнат вазирлиги томонидан олдинги ҳаражатларга қўшимча равишда иш ўринларини ташкил этиш учун 87 миллион, деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси томонидан 10 миллион, деҳқон-фермерларни қўллаб-қувватлаш учун эса «Пахтабанк» томонидан 62,6 миллион, «Ғаллабанк»дан 7,8 миллион, «Тадбиркорбанк»дан 35,6 миллион, Халқаро Оролни қутқариш жамғармаси Нукус филиали томонидан 174,6 миллион сўм ажратилди.

Шунингдек, баъзи халқаро жамиятлар, жамғармалар ҳам Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида юз берган сув танқислиги оқибатларини тугатиш, аҳолига, қишлоқ хўжалиги корхоналарига амалий ёрдам беришда фаол қатнашдилар. Жаҳон ривожланиш ва реконструкция банки маблағи ҳисобидан Нукус шаҳри «Қизкеткан» посёлкаси аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида қурилиш ишларига 3,5 миллион АҚШ доллари миқдорида харажат қилинди. «Сарвиноз» кичик туманида канализация тармоқларини қайта қуриш ва ишга тушириш учун Швейцария ҳукумати гранти ҳисобидан 2,1 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ берилди. Ҳозир бу ерга зарур асбоб-ускуналар олиб келинди, қайта таъмирлаш ишлари жадал суръатда олиб борилмоқда.

Оролбўйи ҳудудида атроф-муҳитнинг софмусаффолиги учун ҳам қатор амалий ишлар қилинди ва изчил давом эттирилмоқда. Жумладан, шимолий туманлардаги автомобил йўллари бўйича яшил белбоғ бунёд этиш мақсадида 211 миллион сўм ажратиш Ўзбекистон «Автойўл» концерни зиммасига юклатилган эди. Бу маблағ тўла равишда келиб тушди. «Нукус-Қўнғирот», «Нукус-Тахтакўпир» автомобил йўллари бўйларига 10700 туп ҳар хил мевали ва манзарали кўчатлар ўтказилди.

Сувсизлик оқибатларини бартараф этиш ишлари ҳозир ҳам жадал давом эттирилмоқда. Яқинда Нукусда Республика Президентининг юқоридаги Фармони ва Вазирлар Маҳкамаси Қарорларининг бажарилишига бағишланган йиғилишда ана шулар ҳақида атрофлича гапирилди.

Абду РАҲМОН,
«Ишонч» мухбири.

Бор бўл, оқибат!

Аввало кимларгадир илтимосли ишинг тушмасин. Бош эгиб боргандан кейин ишинг битса яхши, лекин рад жавоби олиб, мулзам бўлишдан ёмони йўқ. У нима қилсин: болалар катта бўлишмоқда, турар жой эса торлик қилмоқда. Бошлиққа учрашсин-чи, зора мушкули осон бўлса...

ШАХСИЙ МАСАЛАДА ҚАБУЛ

Рустам Маллаев шундай хаёллар билан автокорхонага кириб борганида раҳбар Азимжон Раҳмонов кираверишда навбатчи механикка ниманидир уқтираётган экан. Унинг муддаосини билгач:

— Ёрдам беришга ҳаракат қиламиз, — деди.

Хонага бош муҳандис, касабақўм раиси таклиф этилди. Улар маслаҳатлашиб, автокорхонага қарашли битта бинони яхшилаб таъмирлаб беришга келишиб олишди.

Ҳайдовчи Александр Абдуллаев автоҳалокат сабабли кўзи ожиз бўлиб қолди. У ўз касбига қайтиш ниятида кўплаб шифо масканларида даволанди. Лекин... Унинг сўнгги умиди Санкт Петербургдаги махсус шифохонага боришда эди. Бироқ маблағ масаласи...

Абдуллаев бир қарорга келиб, тушлик пайтида ишхонасига кирди. Автокорхона идорасининг иккинчи қаватига кўтарилишда раҳбар билан юзма-юз келди. Шу ерда ўз илтимосини баён қилиб, ёзиб келган аризасини узатди. Тез орада Абдуллаевга Санкт Петербург шаҳрига бориш ва қайтиш учун юз минг сўм ажратилгани маълум бўлди. Шифо топган ҳайдовчи қадрдон жамоасига қайтди.

— Эллик нафар фахрийларимиз бор, биласиз, — деди корхона раҳбари касаба уюшма қўмитасининг раиси Маъмуржон Узоқовга. — Улардан бири — Василий Михеев бетоб экан. Совға-салом олиб, кўриб келинглар. Зарур бўлса даволаниш учун маблағ ажратамиз.

Шунингдек, нафақахўрларнинг ўзлари ҳам бирон ёрдам керак бўлганида мурожаат этиб турадилар, илтимослари имкони борича қондирилади.

Марказий устахона цехларида меҳнат қилаётган усталарнинг, умуман жамоанинг кўпчилигини ёшлар ташкил этади. Уларнинг илтимослари бўйича устахона ёнидаги майдонда спорт зали қурила бошланди. Ҳозирги кунда бу ерда сўнгги пардозлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Лекин мазкур корхонада бошқаларга хос бўлмаган бир жиҳатга эътиборни қаратмоқчимиз: Бекобод шаҳридаги «Сорбон» ҳиссадорлик жамиятида раҳбарларнинг қабул кунлари ва соатлари қатъий белгилаб қўйилмаган.

— Эшигимиз ҳар доим очиқ, — дейди бошқарув раиси Азимжон Раҳмонов. — Ходимларимиз истаган пайтда, кабинетдами, ҳовлидами, ҳар қандай масалада мурожаат этишлари мумкин. Шахсий ҳаётга оид муаммо бўлса, касабақўм раиси билан тезда ҳал қиламиз. Чунки ходим, айниқса, ҳайдовчининг йўлда кўнгли хотиржам бўлса, сафари бехатар, ишида унум бўлади. Демак, унинг меҳнатидан автокорхона ҳам кўпроқ наф кўради. Шунинг учун бундай иш услуби одат бўлиб қолган. Айниқса шахсий масалада қабул бўйича расмиятчиликка ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Жамоада меҳнат қилаётган 467 нафар меҳнаткаш байрамларни, муҳим саналарни ҳамжиҳат бўлиб, катта дастурхон атрофида кутиб олади. Ҳар байрамда ёрдамчи хўжаликда етиштирилган гўшт, ҳўл мева ва бошқа маҳсулотлар бозордагидан икки ҳисса арзон нархларда ишчиларга тарқатилади. Ўтган йилда 30 нафар ходим фарзанди билан «Мадина» санаторийсида даволаниб, ҳордиқ чиқаришди. Ўтган ойда тўрт нафар кишига моддий ёрдам кўрсатилди.

Яна бир эътиборли жиҳати — автокорхонанинг ўзида тиббиёт муолажалари, маиший хизматнинг ҳамма тармоқлари мунтазам ишлаб, бепул хизмат кўрсатади. Ўртача ойлик маош ўтган йили 15 минг сўмдан тўғри келган бўлса, бу йил 30 фоизга оширилади.

Тўртта жамланмага бирлашган автомобиллар ўтган йили шаҳардаги цемент, норуда маҳсулотлар, пахта тозалаш, нон заводлари, қурилиш ташкилотлари ҳамда йўл қурилиш бўлимларининг 2 миллион 373,5 минг тонна юкларини манзилларига элтиб берди. 1999 йилга нисбатан яхшигина ўсишга эришилди.

Ҳамма саъй-ҳаракат одамларнинг хотиржам, унумли меҳнат қилишлари, оиласида бахтли, фаровон ҳаёт кечиришлари учун шароит яратишга қаратилган. Шунинг учун ҳам «Сорбон» ҳиссадорлик жамияти республикадаги энг пешқадам автокорхоналардан бири саналади.

Темур ҲАЙДАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

КОНСТИТУЦИЯ ДАРСЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни кенг йўлга қўйишда халқ таълими тизими муассасалари тадбиркорлик билан иш юритмоқдалар. Зеро, мамлакатимизнинг Асосий Қонунини ўқиб-ўрганиш бугунги кунда ҳар бир мактаб, олий ўқув юртлари олдида турган муҳим вазифалардан бирига айланган.

Ўзбекистон Миллий университетида ҳам талаба-ёшлар онгига Конституция мазмунини сингдириш бўйича таълимий жараёнлар амалга оширилмоқда. Олий ўқув юртининг факультетлараро тарих кафедраси томонидан янги ўқув дастурининг ишлаб чиқилиши ҳам айни муддао бўлди. Ўн ҳафтага мўлжалланган бу дастур асосида Асосий Қонун бўйича ўқув машғулотлари олиб борилмоқда. Ҳар бир ўқув соатининг дастлабки 15 дақиқаси Ўзбекистон Конституцияси мавзуига бағишланаётир. Бундан ташқари, кафедра саъй-ҳаракати билан ўрта мактаблар учун ҳам ўқув дастури тайёрланди. Жумладан, олий ўқув юрти оталиғида бўлган Тошкентдаги 50-мактабда шу дастур асосида Конституция дарслари олиб борилмоқда.

А.АЛИЕВ.

Ижтимоий ҳимоя

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ БЕПУЛ СОҒЛОМЛАШТИРИЛАДИ

Бошқарма бирлашган касабақўми солиқ сиёсатини амалга оширишда маъмуриятнинг яқин кўмакчиси бўлмоқда. Қўмита тасарруфида 13 та бошланғич ташкилот бўлиб, улар таркибида 970 нафар касаба уюшма аъзоси бор.

Касабақўмнинг маъмурият билан тузган жамоа шартномасида ишсизликнинг олдини олиш, вақтдан самарали фойдаланиш, меҳнат муҳофазаси, иш ҳақларини вақтида бериш, нафақадаги ва кам маошли ишчи-хизматчиларни ижтимоий муҳофаза қилишга оид масалалар киритилган. Ана шулардан келиб чиқиб, ўтган йили ходимларга 1 миллион 250 минг сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотларини имтиёзли нархда сотиб олишга имконият яратилди. Байрам ва ҳайитларда салкам ярим миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Ишчи-хизматчиларнинг кўнгилли дам олишлари, даволанишлари учун қулай шароит яратиб бериляпти. Улардан 26 нафари мамлакат, 6 нафари эса вилоят сиҳатгоҳларида дам олиб, саломатлигини тиклади.

Вилоят касаба уюшмалари Кенгаши томонидан ташкил қилинган спартакиадада бирлашма касаба уюшмалари спортчилари фахрли иккинчи ўринни олишди. Солиқ бошқармаси биносида катта спорт зали бўлиб, бу ерда спорт йўриқчиси Равшан Қодиров мунтазам равишда машғулотларга бош-қош.

Вилоятда солиқ сиёсатини амалга оширишни янада яхшилаш мақсадида янги иш ўринлари очилаяпти. Солиқ соҳасида ҳуқуқбузарликка қарши кураш бошқармаси тузилгани шулар жумласидандир. Унга мазкур соҳанинг 32 нафар малакали ходимлари жалб этилди.

Қўмитамизнинг Оналар ва болалар йили муносабати билан тузган тадбирларида меҳнатчилар фарзандларини турли диққатга сазовор жойларга саёҳатга олиб бориш, болалар ва оналарни бепул тиббий кўрикдан ўтказиш, ҳомиладор аёлларга дорилар харид қилишда кўмаклашиш, «Солиқчилар оилалари» кўрик-танловини ўтказиш каби масалалар ўрин олган. Ёзги таътил даврида кўп болали ва кам таъминланган ходимларнинг фарзандларига касаба уюшмалари ва маъмурият томонидан соғломлаштириш масканлари, оромгоҳларга бепул йўлланмалар бериш кўзда тутилган. Халқаро болалар куни муносабати билан кўп болали оилаларга моддий ёрдам берилади. Бирлашма касаба уюшмаси ташаббуси билан солиқ бошқармасида музей ва маънавият хонаси, кутубхона ташкил қилиняпти. Яқин кунларда улар ишчи-хизматчиларга хизмат кўрсата бошлайди.

Ж.ЖАЛОЛОВ,
Хоразм вилоят солиқ бошқармаси бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси.

Касаба уюшмалари сиҳатгоҳларида

«ИССИҚ БУЛОҚ» БАҒРИДА

Чимбой тумани Шохомон овулининг бир четида азалдан иссиқ сув отилиб чиқиб, унинг шифобахшлиги катта-ю кичикка маълум ва машҳур эди. Аммо, бу ерга узоқ-яқиндан келиб, ўз касалликларига даво топишни хоҳловчилар учун энг оддий шароит ҳам йўқ эди.

Бундан хулоса чиқарган «Қорақалпоқматлубот» бирлашмаси раҳбарияти саккиз йил олдин «Иссиқ булоқ» санаторийсини қуриб, ишга туширди. Натижада қанчадан-қанча кишилар дардларига шифо топмоқдалар.

65 ўринга мўлжалланган ушбу сиҳатгоҳ жамоаси жорий йилнинг дастлабки ойини ҳам яхши натижалар билан якунлади. 70 нафардан ортиқ кишининг мириқиб дам олиши ва даволаниши учун барча шароит яратилган. Уларнинг аксарияти касаба уюшмаларининг имтиёзли йўлланмалари билан келган меҳнаткашлардир.

— Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ, деганларидек, аввалари ўзимизнинг санаторий ва профилакторийларга сал бошқача қараш одати бор эди, - дейди бош шифокор З.Пахриддинова. - Ҳозир бунинг тескариси. Кўпчилик ўзимизнинг сиҳатгоҳларда дам олиб даволанишга хоҳиш билдирмоқда. Биз ҳам улар ишончини қозониш, дардларига малҳам бўлиш, уларга барча шароитларни яратиб беришни асосий мақсадимиз, деб билмоқдамиз.

А. ИСКАНДАРОВ.

Гулистон шаҳар автомобил бекатидан республикамизнинг турли йўналишлари бўйлаб кунига ўнлаб автобуслар қатнайди. Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Мирзачўл каби йўналишлар ана шулар жумласидандир. Бу ерда йўловчилар учун барча шарт-шароитлар муҳайё: оналар ва болалар хонаси, дам олиш гўшаси, ошхоналар улар хизматида. Автобусларнинг қатъий жадвал асосида ҳаракат қилиши устидан пухта назорат ўрнатилган.

Суратда: шоҳбекат бошлиғи Сайфиддин Суяров ҳамда навбатчи нозим Усмонжон Ҳайдаров .

Ҳ.МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

Ташқи савдо фаолиятини изчил равишда эркинлаштиришни таъминлаш, уни такомиллаштириш ва тарифларни бошқариш усулларидан унумли фойдаланиш, шунингдек «Божхона тарифи тўғрисида»ги ҳамда «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Ташқи савдо фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди.

ТАШҚИ САВДО ТАКОМИЛЛАШАДИ

Мазкур ҳужжатда шу йилнинг биринчи мартидан бошлаб республикада маҳсулотларни тавсифлашга ҳамда кодлаштиришнинг уйғунлашган тизимига асосланган (1996 йилги талқини) ташқи иқтисодий фаолиятнинг махсус номенклатураси қўлланиши белгиланди. Давлат божхона қўмитасига, ташқи иқтисодий алоқалар, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирликларига 2001 йилнинг биринчи ярмида Ташқи савдо фаолиятининг махсус номенклатурасини ҳаётга татбиқ этиш билан боғлиқ бўлган барча ташкилий вазифаларни бажариш ва услубий масалаларни ҳал қилиш топширилди. Импорт божхона тўловларининг тасдиқланган меъёрлари 2001 йилнинг 1 мартидан кучга киритилади.

Ҳукумат қарорига кўра, Ташқи иқтисодий алоқалар вазири Элёр Ғаниев бошчилигида тармоқлараро божхона тариф кенгаши ташкил этилди. Кенгашнинг асосий вазифалари қаторига чет эл тажрибасини ўрганиш, ташқи иқтисодий фаолиятни тариф асосида бошқаришни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш, божхона тўловлари ва йиғимлари меъёрларини ўрнатиш ҳамда ўзгартириш кабилар киради. Шунингдек, кенгаш аъзолари Ўзбекистон Ташқи савдо фаолиятининг махсус номенклатурасига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида таклифлар тайёрлайдилар, тарифсиз бошқарув тадбирларини қўллаш юзасидан тавсияномалар ишлаб чиқадилар, божхона тариф имтиёзлари ҳамда преференцияларининг амал қилаётган тартибини таҳлилдан ўтказадилар ва қўшимчалар, ўзгаришлар киритиш юзасидан таклифларни илгари сурадилар.

Ҳужжатда 1 мартдан бошлаб «Эркин муомала (импорт) учун чиқариш» тартибидаги ва умумий қиймати 10 минг доллардан ортиқ бўлган шартномавий маҳсулотларнинг божхона расмийлаштирувлари юкни ортишдан аввал назорат текширувини амалга ошириш мажбурийлиги белгилаб қўйилди.

«Туркистон-пресс»

Сабоқ

БИЛМАЙИН БОСДИМ ТИКОННИ...

Бу муассасага кирганингиздан кейин сухбатдошларингизнинг сўзларини тинглайсизу уларнинг ўй-у кечинмаларига, афсус-надоматларига, орзуларига ногоҳ шерик бўлиб, ўйга толасиз. Муассаса бошлиғи Марина Якунина анча сермулоҳазали аёл экан.

— Бу ерга суд ҳукмига асосан жазони ўташ учун келганлар ҳаётда қандай хатога йўл қўйганликларини тезда тушуниб етадилар, - дейди у. - Лекин, афсуски, вақтни орқага қайтариб бўлмайди.

...Биз республикамиздаги жазони ўташ аёллар муассасасидамиз. Бу ерга республика газетасининг мухбири келганлигини эшитиб, биз билан учрашиш истагини билдирган аёллар топилди. Лекин вақт чекланганлиги боис уларнинг айримлари билангина суҳбатлаша олдик.

— Бу ерга қандай қилмишингиз учун тушдингиз? - сўрайман суҳбатдошларимнинг биридан.

— Республика Жиноят Кодексининг 164-моддаси билан айбланиб, 5 йилга озодликдан маҳрум этилганман, - дейди тошкентлик Шоҳиста М.

— Ахир, бу босқинчиликка оид модда-ку!

— Афсуски шундай...

— Сизни бунга нима мажбур қилди?

— Нима десам экан... - ўйланиб қолди Шоҳиста. - Дугонам билан бирга 20 ёшли қизни уриб, тилла тақинчоқларини тортиб олганмиз. Ҳозир жазонинг ярим йилини ўтаб қўйдим.

— Ўз қилмишингиздан афсусланяпсизми?

— Бўлмасамчи, ўзимни койиганим-койиган. Ахир ҳеч нарсадан камчилиги йўқ, яхши оиланинг фарзандиман...

— Бу ерда кўп нарсаларга ақлим етди, - дейди қиз. - Муассасамизда кийим тикиш каби қатор касбларни ўрганиш мумкин. Ўз жазо муддатимни ўташ жараёнида албатта бирон-бир касбнинг этагини ушлайман. Ҳалол яшашга имконим борича ҳаракат қиламан.

Ёши ўттиз учларга борган Муножот исмли аёл билан суҳбатлашамиз.

— Оила соғинчи юрагингизни тирнаса керак?

Унинг кўзига ёш келди. Бехос қўйнидан тумор каби авайлаб сақлаб юрган хатни чиқариб кўрсатди.

«Салом, ойижон! - дейилганди унда, - кеча сизнинг туғилган кунингиз эди. Сиз бу кунни қандай ўтказдингиз, билолмадик. Лекин биз катта бувим ва укажонларим билан яхши нишонладик. Катта бувим сиз яхши кўрган мазали торт тайёрладилар. Укамнинг тўйида суратга олинган видеони қўйиб, яна бир марта томоша қилдик. Сизни эсладик.

Келгуси йил январда туғилган кунингизни ҳаммамиз бирга кутиб олармиз, деб умид қилиб қолувчи ўғлингиз Сарваржон».

Аёл ўн ёшли ўғлининг кулиб турган суратини кўрсатиб, кафтлари билан юзини беркитди.

Баъзи тақдир ортида қандайдир ҳаётий фожеа ётади. Мана, улардан биттасини олиб кўрайлик. Жаҳон опа Т. Ёшлари 64 да. Айтишига қараганда, Тошкентнинг Олой бозорида дори-дармон сотар экан. Лекин нима бўлган, билолмадик, бирданига гиёҳванд моддалар билан савдо қилишга ўтиб, охири қўлга тушган...

— Опа, сизга нима етишмаётган эди? Мана шу ёшингизда...

— Ҳа, катта хатога йўл қўйдим, қизим. Иқтисодий томондан қийинчилигим йўқ эди. Фарзандларимнинг ҳаммаси уйли-жойли бўлиб кетишган. Турмуш ўртоғимнинг ёши етмишда. У киши билан кексалик гаштини суриб юрсак бўлмасмиди! Лекин шайтон йўлдан урди. Пушаймонимнинг чеки йўқ.

Шу ўринда боболаримизнинг ҳикматли сўзлари қулоғимиз остида жаранглагандай бўлади: «Ким дунёликни қаттиқ истаса-ю унга бу берилса, берилганига ҳеч қачон қаноат қилмайди, яна истайди... На дунёлик орзуларининг, на-да охиратлик орзуларининг сўнгги йўқдир»...

Биз муассаса бошлиғининг ўринбосари Баҳодир Акромов билан фикрлашамиз.

— Аслида эркаклар жиноятчилиги билан аёллар жиноятчилиги ўртасида, яъни қилмишларга сабаб бўладиган омиллар орасида катта фарқ йўқ, - дейди у, - эркакларнинг жиноятларига кўпроқ ичкиликбозлик сабабчи бўлса, аёллар жиноятчорлигига улар адолатсизликнинг жиллача кўринишига ҳам жим қараб туролмаслиги, баъзи ҳолларда эса қонунларимизни яхши билмасликлари сабаб бўлади. Шу боис, аёлларимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга кўпроқ аҳамият бериш керак, деган фикрдаман.

— Жазони ўтаб қайтганларнинг яна шу ерга қайтиб келиш ҳоллари учраб турадими?

— Учрайди. Лекин аксарият кўпчилиги бу ерда ўзига хос мактабни ўтаб, ўз йўлларини топиб оладилар. Касб-ҳунар ўрганадилар, энг асосийси, етти ўлчаб бир кесадиган, мулоҳазали бўлиб қоладилар. Баъзи бировлари озодликка чиққач, бизга миннатдорчилик мактублари ҳам йўллашади...

Ҳа, бу ёруғ дунёда бошимизга неки келса, ўзимиз сабабчи. Мана, ҳамсуҳбатимиз Нилуфар Я. 1979 йилда туғилган. Икки нафар фарзанди бор. Айтишига қараганда, эри уйда йўқлиги пайтида унинг акаси Нилуфарга тегажоқлик қила бошлаган. Бу ишдан у эри ва қайнотасини хабардор қилган. Иш шу билан тугаганки, ҳаммалари — ота, ўғил ва келин бир бўлишиб, Нилуфарга кўз олайтирганни маҳв этганлар...

— Инсон ҳар қандай шароитда ҳам ақл билан иш юрита билиши, жоҳилликка берилмаслиги лозимлигини, афсуски, шу ерда тушундим. Ўйламай босилган қадам ғоят қимматга тушаркан, - дея ўкинади Нилуфар.

Андижон вилоятида истиқомат қилган Муножот А. ўз қилмишидан пушаймон. У турмуш ўртоғининг ўлимига сабабчи бўлибди. Жиноят эса, асосан, эрининг ичкиликбозлигидан келиб чиққан.

— Учта ўғлим бор, - дейди Муножот. - Бу ердан чиққач, уларнинг тарбияси билан қаттиқ шуғулланаман, токи дадалари йўлидан боришмасин.

Бир нарса кишига таскин беради. Бизга ҳамсуҳбат бўлган аёллар қалбида эртанги кунга ишонч бор. «Бир марта тўғри йўлдан адашдик, энди хато қилмаймиз», - дейишарди улар.

Бу ернинг дарвозасини қаттиқ ҳаяжонда тарк этдим. Бу ҳис-туйғу, аввало тўғри йўлдан адашган, баъзиларининг ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган, кўпларининг эса уйларида болажонлари кўзлари тўрт бўлиб кутиб ўтирган аёлларнинг қисмати, тақдири учун ачиниш эди. Ахир, аёл ўз номи билан аёл-да!

Қолаверса, бу аёллар бошларига шунчалик иш тушса-да, қонунларимиздан норизо эмаслиги, иродаси синмаганлиги, кўплари тўғри хулоса чиқариб, эртанги кунга умид билан қараётганликлари эди.

Ҳа, аёлларнинг жазони ўташ муассасалари дунёдаги барча мамлакатларда бор. Лекин бизнинг давлатимиздаги бағрикенглилик бошқа бирон-бир жойда топилмаса керак. Биргина мисол: аввалги йили Хотира ва Қадрлаш куни олдидан давлатимиз раҳбарининг марҳамати ила эълон қилинган амнистия шарофати билан маҳбус хотин-қизларнинг кўпчилиги озод қилинган. Буни унутиб бўладими?

Қалбимга ёруғлик ташлаган яна бир нарса эса юқорида мактубини келтирганим ўн ёшли Сарваржоннинг онаси кўзларида пайдо бўлган умид ёшлари эди. Ҳа, инсон ҳамиша умид билан яшайди. Умид унинг юрагига қувват бағишлайди.

Роза САЙДАҲМЕТОВА,
«Ишонч»нинг махсус мухбири.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 518 йиллигига

ҒАЗАЛ

Сендек манга бир ёри жафокор топилмас,
Мендек санга бир зору вафодор топилмас.

Бу шаклу шамойил била худ Ҳуру парисен
Ким, жинси башар ичра бу миқдор топилмас.

Аҳёр кўз олидаю ул ёр аён йўқ,
Ғам хори кўнгул ичраю ғамхор топилмас.

Эй гул, мени зор этмаки, ҳуснунг чаманида,
Кўзни юмуб очқунча бу гулзор топилмас.

Бобур, сени чун ёр деди, ёрлиғ этгил,
Оламда кишига йўқ эса ёр топилмас.

РУБОИЙ

Ҳижрон қафасида жон қуши рам қиладур,
Ғурбат бу азиз умрини кам қиладур.
Не навъ битай фироқу ғурбат шарҳин
Ким, кўз ёши номанинг юзин нам қиладур?!

Ётларни, керакки, ошно кам қилсанг,
Ҳар кимки, вафо қилса — жафо кам қилсанг.
Навмид бўлур борча вафодорларинг
Ғар шоҳ назаринг бирла вафо кам қилсанг.

ТУЮК

Улки, ҳар кўзи ғизоли Чин дурур,
Қошида пайваста онинг чин дурур.
Чунки кўп ёлғон айтти ул манга,
Ғар десам ёлғончи они чин дурур.

Мени беҳол айлаган ёр — ой дурур
Ким, онинг васли менга ёрой дурур.
Ғар висоли бўлмаса кетар ерим
Ё Хуросон, ё Хитой, ё Рой дурур.

Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Аёзий ва Бобур Мирзо

Мусаввир: Маҳмуд ЖЎРА ўғли

Маломатийлик ғоялари барча тариқатлар ва сўфийларга, улар орқали тасаввуф адабиётига кучли таъсир ўтказди. Боязид Бистомий, Абусаид Абулҳасан Ҳарақоний, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Пахлавон Маҳмуд, Бобораҳим Машраб, Сўфи Оллоёр каби кўплаб валийликдан бонасиб улуғ шайху сўфийларнинг ўз-ўзларини ёзғириб, тавба-тазарру қилиб, маломатангез шеърлар ёзганлари маломатийлик қарашларининг у ёки бу даражадаги таъсири эканлиги шубҳасиз. Бу таъсирнинг қирраларини мумтоз шоирларнинг кўпида учратамиз. Айни жиҳатдан Бобур ижоди диққатга сазовор.

ҚАЛБДАН БОШЛАНАДИ КАМОЛОТ ЙЎЛИ

Бобур бир умр ўз нафси билан курашиб, ўзини ёзғириб яшаган инсон. Воқеан, комилликнинг ўзи инсон билан унинг нафси ўртасидаги курашдан ва бу курашда нафснинг мағлуб, руҳнинг эса ғолиб бўлишидан иборат. Бу — бир умрлик жараён. Албатта, бунда инсоннинг феъл-атвори, қатъияти, тақдири ҳам муайян рол ўйнайди. Маълумки, 12 ёшга етар-етмас тахтга ўтирган, ҳаётнинг кўплаб кутилмаган зарбаларига дуч келган, тақдирнинг барча аччиқ-чучукларини тортган Бобур савобу гуноҳларга тўла мураккаб ва зиддиятли умр йўлини босиб ўтди: гоҳ диний арконларни маҳкам тутган бўлса, гоҳ шариат амрларини бузди; гоҳ дўстга ҳам, душманга ҳам фақат яхшилик қилди. У ўзи билан ўзи ёлғиз қолганида бу қилмишларини таҳлил қилиб, изтироб чекади, ўзини ўзи ёзғиради ва ички кечинмалари, ўй-фикрлари, айбу гуноҳларини самимий бир ошкоралик билан очиб ташлайди:

Бесабрмен бесару
somондурмен,
Бир ғамзададурмену
паришондурмен.
Не диннинг ишин
қилдим-у, не дунёнинг,
Ё Раб, нетай, ўз ишимга
ҳайрондурмен.

Бобурнинг бундай самимий иқрорлари кишида хайрихоҳлик туйғуларини уйғотади. Бу жиҳатдан Бобурнинг ички кириклика муносабати масаласи диққатга сазовор. Маълумки, умрининг фаолиятсизликка маҳкум тушкун паллаларида у шариат ман этган ичкиликка ружу қўйган. Ишлари ўнгланганда ўзини англаб, бу қилмишидан тавба қилган. Мушкул ва чорасиз вазиятларга тушиб қолганида тавбасини бузган. Яна тавба қилган. Мана, ичкиликка ружу қўйгани туфайли ўзини ёзғириб, у нима дейди:

Келди рамазону мен тақи
бодапараст,
Ийд ўлди-ю, зикри май
қилурман пайваст.
Не рўзаю не намоз —
йиллар, ойлар
Тун-кун маю маъжун била
девонаю маст.

Маломатиянинг бани башар манглайига битган икки катта иллат — нафс ва кибрга қарши курашга асосланиши бежиз эмас. Зеро, нафс ва кибр — инсониятнинг энг кучли ва энг хавфли душманлари. Бу икки йирик душманни енгмай туриб, инсоний камолот тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Мумтоз шоирлар ижодида нафс ва кибр мазаммат этилган шеърларнинг кўп учраши шундан. Нафснинг ёмонликлари, ундан қутулиш лозимлиги ҳақида шоир масновийларидан бирида шундай ёзади:

Нафс душмандурур
яқин билгил,
Дўстум, бу сўзумни
чин билгил.
Душманедур, агарчи
ўтру эрмас,
Лек бир лаҳза сендин
айру эрмас.
Гарчи зоҳирда
тўғридектур нафс,
Жисминг уйида
ўғридектур нафс.
Бурноғилар сўзин
назар қилғил,
Уйнинг ўғрисидин
ҳазар қилғил.

Нафс мумтоз адабиётда кофир, душман, рақиб, аждарҳо, илон, ит, дажжол каби сифатлар билан мазаммат этиб келинган. Бобур унга уйнинг ўғриси сифатини бериш била мазкур сифатлар силсиласини яна биттага бойитди. Дарҳақиқат, кўчадаги ўғридан ҳазир бўласан. Лекин ўғри уй ичидан чиқса, бутун хонадон ғорат бўлади. Шунга ўхшаб, инсоннинг ўз ичидаги, қалбидаги ўғри нафс сездирмай унинг иймонини заифлаштиради, инсоф-диёнатдан айиради, обрў-эътиборини тўкади, одамгарчиликдан чиқаради ва шу тариқа уни халқ нафратию Ҳақ лаънатига дучор этади. Шунинг учун ҳам Ҳаким Термизий айтган эдики: «Нафснинг бир соат ичида қиладиган ишини юз шайтон ҳам қила олмас».

Бобурнинг нуқтаи назарига кўра, инсон яшар экан, ҳам халқ, ҳам Ҳақ ризосига эришиш учун ҳаракат қилиши керак:

Бори эмди маош бир
навъ этким,
Ҳақ розию олам эли
хушнуд ўлғай.

Бу инсоний комиллик шарти бўлиб, Бобурнинг ўзи ҳам дунёвий ва диний илмларни етарли даражада ўзлаштирган, барча эзгу фазилатларнинг соҳиби бўлган етук инсон эди. «Бобур подшоҳнинг фазилатлари бисёр ва камолотлари бешумордир», — дейди бу ҳақда Ҳасанхожа Нисорий. Дарҳақиқат, умри асосан уруш-юришлар билан ўтганига қарамай, ўқиш ва ёзишга ҳам ҳамиша имкон топган тиниб-тинчимас бу буюк инсон шоир сифатида девон тартиб берди, олимлик иқтидорини кўрсатиб, аруз ҳақида «Мухтасар» рисоласини яратди, муаррих бўлиб «Бобурнома»ни ёзди, диний илмлар, шариат билимдони эканлигининг маҳсули ўлароқ, «Мубаййин» асарини битди, мутаржимликда қаламини синаб, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг «Волидия»-сини форсийдан таржима қилди, мураббийлик қобилиятини намоён айлаб, «Хатти Бобурий»ни ихтиро этди. Бундан ташқари, у моҳир хаттот ва мусиқашунос ҳам эди. Қисқа умрида шунча улуғ ишларни қилиб улгурганига қарамай, у ўз фаолиятидан сира қониқмайди. Умрининг беҳуда, бесамар ўтган йиллари учун ўзини ёзғириб, ўзини бундан ҳам фаолроқ ва ҳушёрроқ бўлишга даъват этади:

Масту бехудлуқ била
умрунгни ўткардинг, дариғ,
Эй кўнгул, мундин бери
бўл бир нима ҳушёрроқ.

Муттасил равишда ўз хатти-ҳаракатлари, айтган сўзларини таҳлил қилган, ўзини мудом чиғирикдан ўтказиб турган Бобур арзимаган ножўя хатти-ҳаракати, кичик бир айбу хатоси учун ҳам ўзини сира кечирмаган. Шоир шеърларини мутолаа қилар экан, унинг ўзини яна гумроҳ, нодон, беадаб телба, номурод, бесарупо, фақир (бечора маъносида), лаванд (бўшанг, ялқов) каби сифатлар билан аямай мазаммат этганлигининг гувоҳи бўламиз. Аслида бу ҳол биргина Бобур учун хос эмас. Барча буюк зотлар ўзларига нисбатан худди шундай шафқатсиз бўлишган. Зеро, ўз-ўзи билан курашмоқ инсоний камолот йўли бўлиб, унинг натижаси комиллик мақомидир.

Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди.

БОБУР МИРЗО АРМОНЛАРИ

Орзу инсон қалбини уммондек тошириса, армон уни қуртдек кемиради. Одамзот умри эса ана шу икки манзил, икки соҳил ўртасида сувдек оқиб ўтади. Болалик орзулари рўёбга чиққан бани одам борки ўзини дунёдаги энг бахтли инсон деб билади. Аксинча бўлса-чи?

Бобур Мирзо отаси вафотидан кейин Андижон тахтини эгаллаганда 12 ёшга тўлиб-тўлмаган эди. Тожу тахт талашиб юрган темурий шаҳзодаларнинг аксари каби унинг ёш қалбини ҳам илму ижодга бўлган иштиёқ безовта қиларди. Барча валиаҳдлар сингари чавандозлигу камонбозлик, чапдастлигу найзабозликдек ҳарб санъати синоатларини пухта эгаллаган Бобур сурат чизишга ҳам, мусиқа-ю бадиий ижод билан шуғулланишга ҳам қизиқарди.

Ҳаммасидан ҳам кўпроқ унга бобоси Амир Темур бунёд этган маҳобатли иншоотлар, нилий гумбазли масжиду мадрасалар, хонақою работлар қуриш истаги тинчлик бермасди. Шунинг учун ҳам Фарғона музофотида бир қадар осойишталик ўрнатилиши биланоқ ободончилик ишларига шўнғиди. Канал ва ариқлар қаздириш, соҳибқирон бобосидек боғу роғлар барпо этиш, муҳташам кўшку саройлар қурдириш иштиёқи билан ёнди. Афсуски, унинг ёш вужудини ўтдек ёндираётган яратувчилик, бунёдкорлик ҳавасини бемаврид бошланган фитна ва исёнлар сўндирди. Бароқўҳда бунёд этилган айвон битиб-битмай, Бобурнинг ўз сўзлари билан айтганда, «Самарқанд доияси (яъни даъвоси — Т.Қ.) била Самарқанд сари» юзланишга мажбур бўлди.

Самарқанд тахтини эгаллаган Бобур Фарғона музофотида амалга ошира олмаган орзуларини энди рўёбга чиқараман деб ўйлаганди. Шу мақсадда Хуросону Моровроуннаҳрдаги энг машҳур меъмору нақкошларни пойтахтга чорлади. Надоматлар бўлсинки, яна унинг орзулари армонлигича қолиб кетаверди. Шайбонийлар тазйиқи туфайли Самарқанддан Ҳисорга чекинган Бобур Мирзо яна салтанатни қайтариб олган бўлса-да, ёшлик орзуларини рўёбга чиқара олмади.

Тақдирнинг ёзуғи эканми ёки темурийлар салтанати ўрнига тарих саҳнига чиққан шайбонийлар таҳдиди сабабми, Бобур аввал Афғонистонда, кейин Ҳиндистонда муқим қарор топди. Армонлари Қўҳитангдан ҳам ошиб кетган Бобур Мирзо орзуларининг энди рўёбга чиқиши учун ҳақиқий имкон туғилганди. Ҳиндистон аҳли ҳозиргача миннатдорлик туйғуси билан эслашга омил бўлган қатор иншоотлар қурилди, фирдавсмонанд боғлар, шинам кўшку айвонлар барпо этилди.

Назаримизда, Ватан соғинчи кўзларидан ёш сиздирган Бобурнинг армонларидан энг чўнги ўз орзуларини киндик қони томган муқаддас тупроқда амалга ошира олмаганидир. Шукрки, истиқлол тонги отди. Қачонлардир юртни озод, элни обод кўриш орзуси билан яшаган Бобур Мирзо сингари буюк ватандошларимизнинг орзу-армонлари рўёбга чиқди. Бугунги кунда Андижону Фарғонада, Самарқанду Тошкентда аждодларимиз ният қилган гўзал иншоотлар қад ростлаб, жаннат мисол боғу роғлар барпо этилмоқда.

Темир ҚУРБОН.

Меҳнат ардоқлаган кишилар

ҚЎЛИ ГУЛ УСТА

Қўнғирот тумани «Кўкдарё» ширкат хўжалигида Хайрулла Салиевни қўли гул уста деб эъзозлашади.

Хўжалик 1997 йили Украинадан русумли мураккаб дастгоҳни келтириб, марказий устахонага ўрнатганда маъмурият ҳеч иккиланмасдан уни бошқаришни Хайруллага топширди. Салкам 30 йиллик иш тажрибасига эга бўлган уста дастгоҳни моҳирлик билан бошқариб, унда барча русумдаги тракторларнинг тирсакли валларини текислай бошлади. Сал ўтмасдан ёнига ўғли Жанкелни ҳам олиб, унга ўзининг бой тажрибасини ўргатди. Шу давр ичида бир қанча моҳир шогирдларни ҳам тайёрлади. Уларни меҳнаткаш, фидойи, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга ҳиссасини қўшди.

— Ҳунарли бўлиш — бу ўзига ҳам, жамиятга ҳам наф келтиради, — дейди уста. — Инсон бекорчиликдан ўзини ҳар қандай номақбул йўлга солиб кўради, меҳнат эса тўғри ва одил йўл кўрсатади.

Ишнинг сифатли бажарилиши узоқ-яқинга ҳам довруғ таратиб, қўшни Мўйноқ, Қанликўл ва Шуманай туманларидан ҳам буюртмалар кела бошлади. Хўжалик бош муҳандиси Е.Умбетовнинг айтишича, фақат битта дастгоҳнинг ўзи билан ота-бола усталар «Кўкдарё» ширкат хўжалигига катта фойда келтирмоқда.

ЙЎЛОВЧИЛАР МАМНУН

Самарқанддаги «СамҚўчавто» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган автобуслар ихчам ва тежамлилиги билан кўпчиликка манзур бўлмоқда. Гап шундаки, кейинги йилларда шаҳар йўловчи транспортида жиддий муаммолар юзага келганди. Эскирган, яроқсиз автобус ва троллейбуслар ўрнини хусусий машиналар эгаллаб олганлиги сабабли йўлкира ҳақи ортиб бораётган эди. «СамҚўчавто» автобуслари бу муаммога чек қўйди: етмиш сўмга чиқиб кетган йўлкира 30 сўмга тушди. Яқинда «Технософт» фирмаси 40 та автобус харид қилиб бир неча йўналишлар бўйича қатновни йўлга қўйди. Куни кеча Самарқанддаги 22-автобус саройи ҳам 40 та ана шундай автобусни йўлга чиқарди.

(ЎзА)

OLAMDA

ТЕЛ-АВИВ. *Исроил ҳукумати Ғазодаги халқаро аэропортни бир ҳафтага очишга қарор қилди. Ҳукумат вакилининг айтишича, мусулмонларнинг Саудия Арабистонида ҳаж амалини адо этишига қулайлик яратиш мақсадида шундай қарорга келинган.*

1998 йилда фойдаланишга топширилган мазкур аэропорт Исроил томонидан ўтган йилнинг сентябр ойида ёпиб қўйилган эди.

* * *

МОСКВА. Яқин кунларда Россия ташқи ишлар вазири Игор Иванов билан АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл ўртасида учрашув ўтказилиши мумкин. Россия ташқи сиёсат маҳкамаси вакили шуни маълум қилди. Унинг айтишича, учрашувни Европа давлатларидан бирида ўтказиш режалаштирилган. Музокарада томонлар икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш, АҚШнинг ракетадан мудофаа тизимини яратиш режаси, шунингдек, Яқин Шарқ можароси билан боғлиқ кўплаб масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилади.

* * *

ЖАЗОИР. *20 феврал куни Малида Жазоир, Жанубий Африка Республикаси ҳамда Нигерия президентларининг учрашуви ўтказилади. Бу ҳақда Жазоир ташқи ишлар вазирлиги вакили Абдулқодир Мессахел маълум қилди. Унинг айтишича, саммитда Африка давлатлари иқтисодиётини ривожлантириш, ўзаро алоқаларни кенгайтириш ҳамда қитъадаги сиёсий ва ижтимоий муаммоларни биргаликда ҳал қилиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади.*

* * *

ПЕКИН. Ўтган йили Хитойда жами 190 мингга яқин ёнғин содир бўлди. Ундан қурбон бўлганлар сони эса уч мингдан ошди. Кўрилган иқтисодий зарар миқдори 1,5 миллиард юанга етди. Ёнғинларнинг саксон фоизи аҳолининг газ ва иситиш асбобларидан эҳтиётсизлик билан фойдаланганини натижасида келиб чиққан.

* * *

БРЮССЕЛ. *Европа Иттифоқи мамлакатлари молия вазирлари 2001 йил бюджетида қишлоқ хўжалиги ривожи учун ажратилган маблағни 970 миллион еврога оширишга қарор қилди. Бу маблағ, асосан, қорамол қутуришига қарши профилактика ишларини янада кучайтиришга сарф қилинади.*

* * *

БАҒДОД. Эрон Туркия билан ўзаро алоқаларни ривожлантирмоқчи. Мамлакат президенти Муҳаммад Хотамий Туркия ташқи ишлар вазири Исмоил Жем билан учрашувда шундай деди.

Минтақавий муаммолар сабаб мазкур давлатлар ўртасидаги алоқалар 1997 йилда узилиб қолганди. Ўша вақтда икки мамлакат ҳам ўз элчиларини чақириб олган. Ўтган йил бошида эса Эрон ва Туркия ташқи ишлар вазирлари учрашувида давлатларнинг ўзаро алоқаларини ривожлантириш ҳақида меморандум имзоланди.

* * *

БЕРЛИН. *Германия канцлери Герҳард Шрёдер Италия Бош вазири Жулиано Амато билан учрашди. Музокарада давлатларнинг Европа Иттифоқи доирасидаги ўзаро алоқаларини ривожлантириш, тузилма фаолияти ва унинг кенгайиши ҳамда минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.*

* * *

ДЕҲЛИ. 26 январ куни Ҳиндистоннинг Гужарат штатида юз берган зилзила қурбонлари сони 16 мингдан ошиб кетди. 150 мингдан ортиқ одам жароҳатланди. Табиий офатнинг мамлакат иқтисодиётига келтирган зарари 4,53 миллиард АҚШ долларига етди. Штатда қутқарув ишлари ҳали якунлангани йўқ, қурбонлар сони янада кўпаймоқда.

* * *

САН-ХОСЕ. *Коста-Рика ҳукумати хорижий мамлакатлардан гўшт ва гўшт маҳсулотлари келтиришни тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилди. Бунга айрим давлатларда «қорамол қутуриши» касаллиги тарқалгани сабаб бўлди. Хабарларга қараганда, Панама ҳукумати ҳам шундай қарорга келган.*

* * *

ЛОНДОН. Буюк Британия ҳукумати «Би-би-си» корпорациясининг ўз мақомини бузганлиги хусусида махсус текширув бошлади. Мамлакатдаги ҳар бир оила йилига 180 фунт стерлинг (270 доллар атрофида) ахборот солиғи тўлайди. Бу маблағ тўлалигича «Би-би-си» бюджетига келиб тушади. Сўнгги вақтларда корпорация бу пулларни ўзининг тижорий лойиҳаларини молиялашга ишлатаётгани тўғрисида хусусий телеканаллардан кўплаб шикоятлар тушди. Ҳукумат қарорига кўра, бу айбловларни текшириш билан учта мустақил комиссия шуғулланади.

* * *

ТБИЛИСИ. *Грузия келажакда нейтрал давлат бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Буни президент Эдуард Шеварднадзе айтди. Лекин бу масаланинг ҳал этилиши кўп жиҳатдан ташқи омилларга боғлиқ деди.*

* * *

ЖАКАРТА. Индонезия президенти Абдураҳмон Воҳид тарафдорлари Ява ороли шарқидаги Тубан шаҳрида бир неча давлат муассасаларига ҳужум уюштириб, вайронага айлантирди. Улар парламентнинг А.Воҳидни коррупция ва молиявий қинғирликларга аралашгани тўғрисидаги қарорига шундай йўллар билан норозилик билдирмоқда. Ўтган ҳафта охирида президентнинг шахсан ўзи бу ҳудудга ташриф буюриб, тарафдорларини ҳовуридан туширишга ҳаракат қилган эди. Шунга қарамай, тўполонлар ҳали бери барҳам топмайдиган кўринади.

* * *

КОЛОМБО. *Шри-Ланка президенти Чандрика Кумаратунга тамил айирмачиларининг тинчлик музокараларини Европада ўтказиш тўғрисидаги таклифини қабул қилди. Бу мақсад учун Норвегия, Франция ёки Буюк Британиядаги бирор шаҳар танланиши мумкин. Чунки бу мамлакатларда ҳукуматнинг ҳам, айирмачиларнинг ҳам ваколатхоналари бор.*

* * *

БАНГКОК. Таиланд ва Мянма ҳукуматлари бир-бирини чегараларни бузишда ва отишмалар келтириб чиқаришда айбламоқда. Томонларнинг фикрича, бу можарода ҳарбийлар ва тинч аҳоли вакиллари ҳалок бўлган. Таиланд ташқи ишлар вазирлиги тарқатган баёнотда айтилишича, Мянманинг 500 аскари карена элати исёнчиларини таъқиб қилиб, қўшни мамлакат ҳудудига бостириб кирган. Мянма ҳарбий маъмурияти вакилининг айтишича эса, Таиланд армияси исёнчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда.

* * *

ОТТАВА. *Яқин 20 йил ичида Канада қуролли кучлари АҚШ армияси билан қўшилиб кетиши мумкин. Канада мудофаа вазири маслаҳатчиси Говард Марш шундай фикр билдирди. Унинг айтишича, Канада жамоатчилигининг мудофаа мақсадлари учун сарфланадиган харажатларни камайтириш, бунинг натижасида ортган маблағларни ижтимоий мақсадларга сарфлаш талаби кучайиб бораётгани шунга олиб келади.*

* * *

КОБУЛ. Афғонистон президенти Бурҳонуддин Раббоний БМТ шафеълигида «Толибон» ҳаракати билан тинчлик



музокаралари бошланишини тезлатиш лозимлигини айтди. Унинг БМТ Бош котиби Кофи Аннанга йўллаган мактубида айтилишича, толибларнинг ҳарбий ҳаракатларни тўхтатишни хоҳламаётгани, кучли қурғоқчилик ва қаҳратон қиш юзлаб афғонларнинг бевақт ўлимига сабаб бўлган. Мактубда халқаро ҳамжамият Афғонистондаги можарони бартараф қилиш учун томонларга кўмак беришга чақирилади

* * *

КУАЛА-ЛУМПУР. *Малайзия ҳукумати мамлакатга «қорамол қутуриши» касаллиги кириб келишининг олдини олиш мақсадида Таиланддан гўшт ва гўшт маҳсулотлари харид қилишга чек қўйди. Таиландда икки кишининг мазкур касалликка чалингани тўғрисидаги хабардан сўнг шундай қарорга келинди. Ўтган ойда Малайзия Европа мамлакатларидан гўшт сотиб олишни тўхтатганди.*

* * *

БОГОТА. Колумбия президенти Андрес Пастрана сўл исёнчилар билан тинчлик музокаралари ижобий натижа беришига умид билдирди. А.Пастрананинг айтишича, унинг Колумбия инқилобий қуролли кучлари етакчиси Мануэл Маруланда билан ўтказган музокаралари натижасида эришилган шартнома кўп йиллик можарони ечиш учун қулай вазият яратади. Бу учрашув ўтган ҳафта ўтказилганди.

(ЎзА)

NIMA GAP

Қўлингизни
беринг, ойижон,
Юриб кетгим
келмоқда жуда.
Бекорчилик
экан-ку ёмон,
Ўтирмай-да
ахир беҳуда.

Дейсиз: олам
сир тўла — ёмби,
Шавқим тошсин
уларни кўриб.
Дастёрингиз
бўлсам ёмонми,
Укаларим
туғилмай туриб...

Жаҳонгир РИХСИЕВ
сурат лавҳаси

Одамийлик ҳақида ўйлар

Кутилмаганда ҳаво айниб, ёмғир ёға бошлади. Хиёл ўтмай у қорга айланди. Қадрдон қишлоқ кўчаларида одамлар сийрак. Далалар оқ парқуга бурканмоқда. Болаликдан бирга катта бўлган дўстларимни тезроқ кўриш иштиёқида киракаш автобусга чиқиб, орқа ўриндиқдан жой олдим. Ўттиз ёшлардаги оғир ўйга толган йигит эътиборимни тортди.

ОНА ҚАЛБИ

— Ташвишлироқ кўринасиз, дўстим, тинчликми?

— Дунёнинг ишлари қизиқ экан, - дея сўз бошлади йигит. — Олтинсой қишлоғимизнинг файзи бўлмиш Офтоббиби исмли бир онахон бор. Умр бўйи одамларга яхшилик қилди. Талабалик даврларимда моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлади, фарзандидек тарбиялади. Бироқ, шу мўътабар онахон қариган чоғида қийин аҳволда қолди. Кун сайин касали хуруж қилмоқда. Онам ўрнига онамсиз, уйга олиб кетай, фарзандингиздек бошингизда парвона бўламан, десам сира кўнмадилар. Афсуслар бўлсинки, куни кеча уларни сўнгги йўлга кузатдик.

Офтоббиби ая ҳаёти билан яқиндан танишдим. У умрдоши Қўчқор ака ила ўн йил бахтли ҳаёт кечирди. Хонадон соҳиби қўли гул боғбон ҳам яхши чорвадор. Қишлоқдаги энг сўлим ҳовли уларники эди. Турли хил мевали дарахтлар, энг зотли моллар Қўчқор акага тегишли бўлган. Бироқ, ҳаётда бахт ва бахтсизлик ёнма-ён юраркан. Бахтли хонадон кишилари Яратгандан тилаб, бир ўғилли бўлишди. Уч фарзандлари эса пешоналарига сиғмади. Ота-она эрка ўғилни еру кўкка ишонишмасди. Кутилмаганда Қўчқор ака бахтсиз ҳодиса туфайли оламдан кўз юмди. Офтоббиби опа кўзининг оқу қораси Султонмуродга ҳам оналик, ҳам оталик қилди. Ҳеч нарсадан кам қилмай вояга етказди. Қаерга бормасин, фарзандини ўзи билан олиб юрарди. Йиллар ўтиб Султонмурод вояга етди.

Хўжалик раҳбарлари раҳматли Қўчқор аканинг хотираси учун фарзандини йўлланма билан институтга жойладилар. Онанинг боши осмонда. Ёлғизи Тошкентда ўқияпти, ҳадемай яхши мутахассис бўлиб она қишлоғига қайтади, отасининг ишини давом эттиради. Онаизорнинг фарзандидан умиди катта эди. Бироқ, ҳаётда қийинчилик кўрмай катта бўлган, ҳаддан ташқари эркалатилган йигит онасига, қишлоғига бемеҳр бўлиб чиқди. Иккинчи курсдаёқ ўқишни ташлаб, такасалтанг йигитларга қўшилибди. Болали аёлга уйланиб, ичкиликка ружу қўйибди.

Офтоббиби ая ўғлидан хат олганида боши осмонга етарди. Қўшниларга мақтаниб, ҳадемай бағримга қайтади, юртга ош бериб тўй қиламан, дерди. Бироқ, нобакор ўғил онасидан фақат пул юборишини сўрарди. Шу боис онаизор барча моллари сотишга мажбур бўлди. Вақт ўтиши билан ажойиб боғ қаровсизликдан «янтоқ» йиғди. Қишлоқ онахони фарзандини саккиз йил орзиқиб кутди. Бу орада Султонмурод икки маротаба унинг ҳузурига келди. Кейинчалик билсак, ҳовлини сотамиз, деб онасини зор йиғлатибди. Ёлғизликдан, қаровсизликдан эзилган кампир оғир дардга чалинди. Бироқ, кўни-қўшнилар, қишлоқнинг оқ кўнгил, меҳрибон кишилари уни ёлғизлатиб қўйишмади. Аммо қарангки, бирон инсон ўғлининг ўрнини босолмади. Ая эшикка кўз тика-тика оламдан кўз юмди. Табаррук инсонни дафн қилиш маросимига бутун қишлоқ йиғилди. Неча кишилашиб Тошкентга - ўғлига хабар беришса ҳам ундан дарак бўлмади.

Қўшниси Салима опанинг таъкидлашича, ая ҳаётининг сўнгги дақиқаларида кўзига ёш олиб шундай дебди: фарзандимга ҳамма яхшиликни раво кўрдим, боримни сотиб, уни ҳеч нарсадан кам қилмасликка интилдим. Бироқ, янглишибман. Унга энг муҳими — одамийликдан дарс беролмабман.

Қаранг, онаизор умрининг сўнгги кунларигача ўғлини мақтади, унинг йўлига кўз тикиб, Яратгандан ёлғизига бахт-саодат тилади. Дардга чалиниб кўрпа-тўшак қилиб ётганида ҳам ундан нолимади. Яхши кунларга умид қилиб яшади...

Шу ўринда севимли ёзувчимиз Ўткир Ҳошимовнинг «Дунёнинг ишлари» китобидаги қуйидаги сатрларни келтириш ўринлидир:

«Дунёда чегара деган тушунча бор, ғоялар деган тушунча бор, эркаклар, аёллар деган тушунча бор. Мамлакатлар чегара билан ажратилади. Бир-биридан фарқ қиладиган эркаклар, бир-биридан фарқ қиладиган аёллар бор. Бироқ, дунёда Оналар деган тушунча бўлиши мумкин эмас. Дунёда Она деган ягона тушунча бор. Уни ҳеч қачон иккига бўлиб бўлмайди».

Баҳром МУРОДОВ,
Қашқадарё вилояти.

ҚИШЛОҚ ТИББИЁТ ШОХОБЧАСИ

Навоий вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма қўмитаси 70 та иш ўрнини аттестациядан ўтказди ва шу мақсад йўлида 1 миллион 100 минг сўм маблағ сарфланди.

Шуниси характерлики, вилоятда кўркам ва замонавий қишлоқ врачлик пунктларини қуриш ва фойдаланишга топширишга алоҳида аҳамият берилди. Агар мустақиллик йилларида туманда жами 60 қишлоқ врачлик пункти ишга тушган бўлса, шундан 20 таси ўтган йили аҳоли хизматига топширилди.

«Саломатлик дастури» асосида ташкил этилган бу ҚВПларни жиҳозлаш ва автотранспорт билан таъминлаш, тиббий ходимларнинг малакасини ошириш учун ҳар бир ҚВПга жаҳон банкидан 230 минг АҚШ доллари ҳисобида маблағ ажратилди.

Ялғош САРИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

Ўзбекистон Миллий университетида талаба ёшларга таълим беришда замонавий ўқув техник воситалардан кенг фойдаланилмоқда. Олий ўқув юртида компьютер технологиялари факультетининг очилиши ҳам нур устига аъло нур бўлди.

КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ЁРДАМИДА

Эндиликда мураккаб «ақл»ли машиналар технологияси асосида малакали мутахассислар тайёрлашнинг истиқболи кўзга ташланиб қолди. Бундай муҳим таълимий жараённи йўлга қўйишга эришишда хорижий мамлакатларда орттирилаётган бой тажрибалар ҳам қўл келмоқда.

Шу мақсадда университет Германиядаги «Гёттинген» ҳамда «Илменау» олий ўқув юртлари билан алоқа боғлади.

Бундан ташқари, янги факультетда малакали кадрлар тайёрлашда Голландиянинг «Фондис» университети ҳам ўз амалий ёрдамини беради.

Бу каби ҳамкорлик туфайли факультетдаги кафедралар компьютер технологияларига доир энг яхши қурилмаларга эга бўлади.

Акбар АЛИЕВ.

ЯНГИ НАШР

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган фармацевтика саноати корхоналари томонидан ишлаб чиқилаётган дори-дармонлар муолажа ишларида кенг қўлланилмоқда. Бу хил препаратларни жойларда оммалаштириш ҳамда мақсадга мувофиқ равишда фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги хайрли ишни амалга оширди.

Вазирлик саъй-ҳаракати билан босмага тайёрланган «Ўзбекистон Республикасида фармацевтика фаолияти» дея номланган китобни чоп этиш ишлари ниҳоясига етди. Икки жилддан иборат бу янги нашр доришуносларга яхши совға бўлди.

Уни босмага тайёрлашда «Ўзфармсаноат» давлат ҳиссадорлик концерни иш тажрибаси ҳам қўл келди. Унда доришуносликнинг кенг қамровли жиҳатлари ёритиб берилди.

Янги китоб тиббиёт ўқув юртлари учун ҳам фойдали қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг бажарилиши Тошкент вилоятида ҳар жиҳатдан мукаммал йўлга қўйилган дейиш мумкин. Кейинги бир неча йил давомида талайгина касб-ҳунар коллежлари ҳамда академик лицейлар қурилиб ишга туширилди.

Зангиота туманидаги қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи 600 ўринга мўлжалланган. Мазкур билим юрти қишлоқ хўжалик машиналарини таъмирловчи чилангар, электр-газ пайвандчиларини етиштириб чиқаради. Бундан ташқари бўлғуси фермерлар, агроном, ҳисобчи ҳамда ўсимликшунослар ҳам мазкур даргоҳда сабоқ оладилар.

Эътиборли жойи шундаки, бу билим юртларида таълим олаётган йигит-қизлар замонавий техниканинг компьютер, принтер каби мураккаб намуналаридан фойдаланадилар.

Соҳибқирон Амир Темур ҳақида

БАҲОВУДДИН НАҚШБАНД БОҒИДА

Кун иссиқ. Карвон кенг боғлар орасидаги йўлдан олға илдамлайди. Боғ ўртасидаги катта ариқ ёнига етгач, тўхташга буйруқ берилди. Ўнг томон кўм-кўк кенг майдон эди. Катта-катта сандиқ, қоплар ортилган баҳайбат туялар бир-бир чўка бошлади, бўйниларидаги жажжи мис қўнғироқчалар нафис жаранглаб, хил-хил мевага тўла яшил боғлар, кўм-кўк паст-баланд тепаликларга аллақандай тароват бағишлагандай бўлди.

Темурбек қумғонда сув олиб, юз-қўлини ювди. Уни Бухоронинг нуфузли хонадонларидан бирининг соҳиби - қайнотаси Саид-уш-Шуаро ҳазратлари кутаяпти. Узоқ чўзиладиган гурунглар, масала тортишувлари, ажабтовур суҳбатлар унга мунтазир. Ҳозир бироз нафас ростлаб олгани маъқул.

Ҳар нарсага қизиқувчи Темурбек боққа кириб, қуёш нурида ялтюлт товланаётган қизғиш олмаларга, пиёладек-пиёладек сап-сариқ шафтолиларга суқланиб тикилди. Қўли дард кўрмасин боғбоннинг, беҳад меҳнаткаш одамга ўхшайди; дарахтлар ости ёғ тушса ялагудек топ-тоза, жўяклар бир текис олинган.

Темурбек боғдан чиққанда, майдонга кўк гулли кигиз солиниб, дастурхон ёзилган эди. Амир Жоку катта ош товоқни тўлдириб олма, шафтоли келтирди. Хуштаъм меваларни мақтаб-мақтаб едилар.

Боғ ичидан чиқиб келган майиздеккина чол саломлашиб, уларга яқинлашди.

Темурбек ўрнидан туриб чолни қаршилар экан, хиёл қизариб:

— Отахон, айбга буюрмайсиз, сўрамасдан мевангиздан олдик, - деди.

Чол самимий жилмайди:

— Одамлар есин, деб боғ яратганман, болам. Ош бўлсин! Фақат Яратган эгамизга шукр, десангизлар бас!

Темурбекнинг юзлари лов-лов ёнди. Дарвоқе, боғбон ҳақига дуо қилиш керак.

Боғбон тиззалаб ўтирди.

Темурбек ҳам худди шундай ҳолатда унинг қаршисидан жой олди.

Боғбон бояги ҳолатда жилмайиб:

— Қани, ўғлим, бир тиловат қилинг, - деди Темурбекка.

Темурбек Амир Жокуга — акасига қаради. У «бошланг» дегандек имо қилди.

Чиннидек жарангли овоз кўнгилларни сел қилди.

Аллақандай сирли, ҳароратли оҳанг дарахтларни аллалади.

Йўловчиларнинг қадрдонлари — туялар тош қотди.

Қушлар оҳанги тинди.

Боғбон қироат оҳангидан маст бўлиб, тебраниб ўтирди.

Темурбек тиловатни тугатгач:

— Дуо сиздан, - деди боғбонга қараб.

Чол узундан-узоқ дуо қилди. Сўнг Темурбекка қараб:

— Овозангизни эшитган, лекин ўзингизни кўрмаган эдим, - деди. - Қироатингиз мени сел қилди. Тасанно!

Темурбек «Ким бўлдийкин бу хизрсифат чол?» деган савол нигоҳи билан унга тикилди.

— Мени Баҳовуддин Нақшбанд деб атайдилар, - деди чол унинг фикрини ўқиган бўлиб.

Темурбек ҳайратда қолди. «Баҳовуддин ҳазратлари шу камсуқумгина чол экан-да».

Икки буюк аждодимизнинг илк учрашуви шундай юз берган эди.

Тўлқин ҲАЙИТ,
Фахриддин АШРАФХЎЖАЕВ.

Даврон АҲМАД олган суратлар.



Футбол

СПОРТ

БОЛГАРИЯ САБОҚЛАРИ

2002 йил Жанубий Корея ва Японияда бўлиб ўтадиган Жаҳон чемпионати саралаш баҳсларига тайёргарлик кўраётган мамлакатимиз бош терма жамоасининг Болгария сафари ҳам муваффақиятсиз якунланди. Айни кунларда ўз ниҳоясига етаётган «Албена Мобилтел-2001» халқаро турнирининг 2-гуруҳида қатнашган вакилларимиз сўнгги тур учрашувини Словакиянинг «Ружемберок» жамоасига қарши ўтказиб, 0:2 ҳисобида мағлубиятга учрадилар. Икки мағлубият ва бир дуранг футболчиларимизга гуруҳдаги сўнгги ўринни «ҳадя» этди. Ачинарлиси, ушбу ўйинларда дарвозабонларимиз ўз дарвозаларидан 5 та тўп олиб чиқишга мажбур бўлишган бўлса, ҳужумчиларимизга рақиблар дарвозасини ишғол қилиш бахти бир марта бўлса-да насиб этмади.

Айтиш мумкинки, миллий терма жамоамизнинг «ЖЧ-2002»га тайёргарлик йўлидаги деярли барча иштироки муваффақиятсиз якунланаётгани ишқибозларни бироз хавотирга солаётган бўлса, ажабмас. Зеро, Тошкентда бошланажак саралаш ўйинларига жуда оз вақт қолди. Шунга қарамасдан, ушбу йиғинлар сабоқлари муҳим учрашувлар вақтида иш беради, деган умиддамиз.

БАҚОЕВ ЛЕГИОНЕР БЎЛИШ АРАФАСИДА

Москванинг ЦСКА жамоаси сафида синовдан ўтаётган «Бухоро»нинг ёш ҳужумчиси Улуғбек Бақоев яқин кунларда Россия командаларидаги легионерларимиз сонини яна биттага ошириши мумкин. Чунки Португалияда бўлиб ўтган йиғин давомида Жанубий Кореянинг «Пусан» жамоаси дарвозасига 2 та гол уришга муваффақ бўлган ҳамюртимиз москваликлар устози Павел Садирингга маъқул тушган кўринади.

Айни кунларда армиячилар клуби футболчимиз билан шартнома тузиш арафасида.

ИОРДАНИЯЛИКЛАР БОШ МУРАББИЙСИЗ

Ўзбекистон миллий терма жамоасига Жаҳон биринчилиги саралаш баҳсларининг биринчи босқичида асосий рақиб саналаётган Иордания терма жамоаси бош мураббийсиз қолди. Аргентиналик тажрибали мутахассис Рикардо Кароятининг бевақт ўлими рақибларимизни анча қийин аҳволга солиб қўйди, дейиш мумкин.

О.КАМОЛОВ.

КУЧЛИЛАР АНИҚЛАНДИ

Жиззах шаҳридаги Олимпия заҳиралари спорт мажмуида енгил атлетика бўйича 1986-1987 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон Республикаси қишки биринчилиги бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан 200 нафардан зиёд ёш спортчилар маҳоратларини намойиш этишди.

Мусобақалар икки гуруҳда олиб борилди. Биринчи гуруҳда махсус ихтисослашган ўқув юртларининг талабалари енгил атлетиканинг барча турлари бўйича баҳслашган бўлса, иккинчи гуруҳ иштирокчилари енгил атлетиканинг айрим турлари бўйича ўзаро куч синашди. Мусобақалар якунига кўра умумжамоа ҳисобида биринчи гуруҳда Тошкент шаҳрининг биринчи жамоаси ғолиб деб топилди. Андижон ва Тошкент вилоятлари ёш спортчилари шоҳсупанинг иккинчи ва учинчи поғоналаридан жой олди. Иккинчи гуруҳда эса жиззахликларга тенг келадиган рақиб топилмади. Қашқадарё ва наманганлик ёш спортчилар эса иккинчи ва учинчи ўринларни бўлиб олишди. Шахсий биринчиликда Жиззах шаҳридаги Пушкин номли 1-ўрта мактаб ўқувчиси Игорь Еремянц ғолиб бўлди.

(ЎзА)

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ
Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 21.25

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2124.
123456